Куч — адолатда

2010 йил,
11 август,
чоршанба
№ 32 (286)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Islohot va samara

Истиқлол йилларида мамлакатимиз кун сайин чирой очиб, гуллаб яшнаётганлиги дилларимизга қувонч бахш этмоқда. Кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари, қайта қурилаётган ва янгидан барпо этилаётган шаҳар ва қишлоқлар Амир Темур бобомизнинг "Бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсанг, биз қурган иморатларга боқ", деган сўзларини ёдга солиб ғуруримизга ғурур қўшмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамма нарсадан устун



Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳолининг турмуш фаровонлигига, инсон манфаатларига, фарзандларимиз баркамоллигига хизмат қилиши билан бениҳоя қадрлидир. Кези келганда Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридаги "Аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси, аввало, халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади", деган фикрларни эслаш ниҳоятда ўринлидир.

Инсонийлик ва эзгулик тамойилларини ўзига сингдирган, туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра, илғор миллий ва умуминсоний қадриятларни мужассамлаштирган Бош қонунимиз — Конституциямизда жамики неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикр илгари сурилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Bag`rikenglik tamoyillari

Эзгуликнинг ойдин йўли

Юртимизда ёшларни ҳар жиҳатдан етук инсон қилиб вояга етказиш борасида бир-бирини тўлдирувчи, узвий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳрибонлик уйлари, махсус интернатлар, мусиқа ва спорт мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ушбу даргоҳларда фаолият кўрсатаётган педагог ходимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аввало, ёшлар таълим-тарбиясига ўта масъулият билан қарашга рағбат эканлигини англатади.

(Давоми иккинчи бетда)

Burch va mas`uliyat

Кредит шартномаси

уни бажармаслик жавобгарликка сабаб бўлади

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда банклар томонидан ажратилаётган кредитлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Бироқ кредит бу туҳфа эмас, унинг ўзига хос масъулияти бор. Амалдаги қонунларда кредит шартномаси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар ўз ифодасини топган.

2006 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан қабул қилинган **«Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»**ги қўшма Пленум қарорида банк ёки бошқа кредит ташкилоти ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабат кредит ташкилотининг кейинчалик келишилган муддатларда, кредит бериш мажбуриятини ва қарз олувчининг олинган кредитни қайтариш ҳамда шу бўйича фоизларни тўлаш мажбуриятларини ўз ичига олиши кўрсатилган.

(Давоми иккинчи бетда)

ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ



Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги шодиёналари тобора яқинлашмоқда. Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида байрамни муносиб кутиб олиш ва кўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида кенг кўламли бунёдкорлик, яратувчилик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 июлдаги фармойиши бу борадаги ишларни уюшқоқлик билан ташкил этишда дастуриламал бўлмоқда. Унга мувофиқ, август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги деб эълон қилинди, 14-15 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиши белгиланган.

Айни пайтда ушбу йўналишда тегишли давлат, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида кенг кўламли тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳузурида умумхалқ хайрия ҳашарини уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил этилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Биринчи инстанция судининг ажрими

ўзига хос хусусиятлари, турлари ва шакллари

Маълумки, судларнинг самарали фаолияти ҳужжатларда ўз ифодасини топади. Бинобарин, суд ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этади. Қўлланилиш доираси кенг шундай ҳужжатлардан бири биринчи инстанция судининг ажримидир.

Қонунга кўра, фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг ажримлари ҳал қилув қарорларидан фарқли ўлароқ, суд муҳокамаси даврида, қарор чиқарилганидан кейин, ҳатто ижро босқичидаги турли процессуал масалаларни ҳал қилиш бўйича ҳам чиқарилиши мумкин.

Биринчи инстанция судининг ажримлари қуйидагича турларга ажратилади:

Тайёрлов ажримлари фуқаролик суд ишларини юритишнинг барча босқичларига нисбатан татбиқ этилиб, фуқаролик ишларининг ҳаракатга келиши ва ҳал этилишини таъминлайди. Мазкур тоифадаги ажримларга мисол сифатида ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги, ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш ҳақидаги ажримларни кўрсатиш мумкин. Суд ажримларининг сезиларли қисмини тайёрлов ажримлари ташкил этади. Булар фуқаролик ишларини муҳокамага тайёрлаш, экспертиза тайинлаш, манфаатдор шахсларни ишда иштирок этиш учун жалб қилиш, далилларни талаб қилиб олиш ҳақидаги ажримлардир. Уларни муштарак мақсад — дастлабки суд мажлисиданоқ бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсади умумлаштириб туради.

Тўсқинлик қилувчи ажримлар деганда процесснинг бошланишига тўсқинлик қилувчи ёки ишни қўзғатиш ёхуд ишни судда мазмунан кўриш учун қонуний асос мавжуд бўлмаган ҳолларда иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримлар тушунилади. Буларга даъво аризасини қабул қилишни рад этиш, аризани ҳаракатсиз қолдириш ёки иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажримларни мисол сифатида келтириш мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Huquq va burch

Истеъмолчи манфаати доимий муҳофазада

Юртимизда истеъмолчи ҳуқуқ ва манфаатини муҳофаза қилишга қаратилаётган доимий эътибор туфайли ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи соҳа ва тармоқларда сифат масаласи бош мезонга айланиб бормоқда. Зеро, мижознинг таъбига қараб, уни рози қилишга интилаётган тадбиркорнинг ишида унум, топганида барака бўлади. Аммо исбот талаб қилмайдиган бу оддий ҳақиқат, азалий қадриятдан кўз юмиб, фақат фойда кетидан қуваётган кимсалар ҳам йўқ эмас.

— Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида ташкилотимизга истеъмолчилардан тўрт мингга яқин ариза келиб тушди, — дейди Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси Акром Миразизов. — Мазкур мурожаатларнинг аксарияти савдо, коммунал хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, алоқа ва транспорт соҳаларга мансуб бўлиб, кўрилган зарур чора-тадбирлар туфайли уларнинг 96 фоизга яқини ижобий ҳал этилди. Натижада уч юз миллион сўмга яқин истеъмолчилар кўрган моддий зарар қопланишига эришилди.

Таҳлилларга мурожаат этадиган бўлсак, пойтахтимизнинг Чилонзор туманида истиқомат қилувчи М.Камолова "999" дорихонасида тўловни пластик карточка орқали амалга оширган. Аммо олган дори-дармонларини кейин ҳисоб-китоб қилиб кўрганида дорихона ходими 26 минг 800 сўм ортиқча маблағ олиб қолгани маълум бўлган. Бу ҳақда у Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасига мурожаат қилди. Бирлашманинг аралашуви билан истеъмолчидан олинган ортиқча маблағ эгасига қайтарилди.

(Давоми учинчи бетда)

Ушбу сонда:

Қимматта тушган ўзбошимчалик 2

Меҳнат низолари 3

Моддий жавобгарлик нима? 4

Qonun ko`magi

Иқтисодий барқарорлик

тадбиркорлик ривожи айнан шу мақсадга хизмат қилади

Тадбиркорлик тараққий топган давлат иқтисодий жиҳатдан ривожланади ва ҳар томонлама гуллаб-яшнайди. Шу боис мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда бўлиб, фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқлари қонунлар билан кафолатланган. Тадбиркорлик қайси шаклда олиб борилишидан қатъий назар, у давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Вазирлар Маҳкамасининг **"Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"**ги ва **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорлари билан адлия идоралари зиммасига тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузган ва манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko`magi

Иқтисодий барқарорлик

тадбиркорлик ривожи айнан шу мақсадга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Адлия идоралари ушбу вазифаларни амалга оширишда аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқиб, тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижросини доимий равишда ўрганиб бориши, аниқланган камчиликларни бартараф этиши ва айбдор шахсларнинг тегишли жавобгарликка тортилишини таъминлаши тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади.

Бу йўналишда олиб борилаётган ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги вақтларда назорат қилувчи идоралар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ноқонуний текширишлар ўтказиш ҳоллари сезиларли даражада камайган. Бироқ бу каби қонунбузилиш ҳолатларидан тамомила қутула олмаяпмиз. Назорат қилувчи идоралар томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахслар фаолиятига ноқонуний аралашиш, уларни ноқонуний маъмурий жавобгарликка ва молиявий жазога тортиш каби қонунбузарликлар ҳамон учраб турибди. Жумладан, адлия идоралари томонидан 2010 йилнинг 6 ойи давомида назорат қилувчи идоралар томонидан 47 та ноқонуний текшириш ўтказилганлиги ва 669 та текширишларни ўтказиш тартиби бузилганлиги ҳолати аниқланди.

Масалан, Фарғона вилояти Фарғона тумани ветеринария бўлими томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар К.Ҳомиджонов, Р.Мингбоев, Х.Қиличбоевларга қарашли дўконларда назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияси рухсатисиз ноқонуний текшириш ўтказилганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат бўйича адлия идораси томонидан Фарғона тумани ветеринария бўлими ходими Э.Раҳмоновга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241[1]-моддаси 1-қисмига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Қува тумани судига юборилди. Суднинг 2010 йил 10 майдаги қарори билан Э.Раҳмоновга нисбатан 263 минг 760 сўм миқдорида жарима қўлланилди.

Бундан ташқари ўтказилаётган текширишлар тартибини бузиш ҳолатларининг аксариятига Тошкент, Бухоро, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги назорат қилувчи идоралар фаолиятида йўл қўйилган. Жумладан, Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ИИБ ЁХБ бошлиғининг 2009 йил 9 сентябрдаги бўйруғига асосан "Сарвар Азиз Умарзода рамзи" масъулияти чекланган жамиятида 2009 йил 10 октябрда махсус гувоҳномага эга бўлмаган туман ИИБ ЁХБ инспекторлари А.Қамбаров ва Д.Душаев томонидан текшириш ўтказилиб, жамиятнинг 5 нафар ходими маъмурий жазога тортилганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага асосан Оҳангарон тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи Д.Ишонқуловга нисбатан "ҳайфсан" жазоси қўлланилиб, 5 та маъмурий қарор бекор қилинди ҳамда нотўғри ундирилган жарималар эгаларига қайтарилди.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётимиз барқарорлигининг муҳим омили бўлган тадбиркорлик жамиятимизда алоҳида эътиборда. Тадбиркор манфаатига зиён етказаётганлар эса жазосиз қолмайди.

Азиз ЭРГАШЕВ,
Шавкат САТТОРОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходимлари

Islohot va samara

Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамма нарсадан устун

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги **"Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида давлат идоралари билан бир қаторда жамоат ташкилотлари ўрнини мустаҳкамлашга қаратилди. Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий меъёрни амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини кўтариш ва шу йўл билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини кучайтириш мақсадини ўз ичига олган ушбу Фармон асосида **"Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун қабул қилинди.



Қолаверса, истиқлол йилларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатини амалда таъминлашга йўналтирилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ишларнинг ўзига хос механизми жорий этилди. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги тизимида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ташкил этилган миллий институтлар самарали фаолият юритиб келмоқда.

Хуллас, истиқлолнинг ўтган даврида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик базаси яратилди ва унинг ижро механизми такомиллаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январдаги қўшма мажлисидаги **"Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш — устувор мақсадимиздир"** номли маърузасида "Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганлиги устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир", деб таъкидланганидек, бугунги кунда олдимизда турган муҳим вазифалардан бири амалдаги қонунлар айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қонунлар ижроси юзасидан парламент ва депутатлик назоратини кучайтиришдан иборат.

Ваҳоланки, парламент назорати қонунларни амалда ижро этиш даражасини ва уларнинг ҳаётда самарадорлигини аниқлашнинг, айни вақтда, давлат ва жамиятни тараққий эттириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, уларга ўз вақтида ўзгартишлар киритишнинг таъсирчан воситасидир.

Парламент назоратини амалга ошириш ижро этувчи давлат идоралари фаолиятининг самарадорлигини оширишга, қонунларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида давлат механизми ишида изчиллик, уйғунлик ва мувофиқликка эришишга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишининг олдини олишга, амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этиш амалиётини таҳлил қилишга қаратилган. Айнан қонун ижодкорлиги ва қонунни қўллаш амалиётини чамбарчас боғлаб олиб бориш парламент назоратининг энг муҳим хусусиятларидан бирини ташкил этади. Шу билан бир вақтда парламент назоратининг парламент сўрови каби шаклини амалиётга кенг жорий этиш ҳам бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузасида депутатлар корпуси фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг жамият ривожидаги иштироки ва масъулиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Юртбошимиз белгилаб берган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2010 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури қабул қилинди.

Шу билан бирга, ҳар бир депутатнинг ўз сайловчилари билан белгиланган муддатларда учрашувлар ўтказишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки, ана шундай тадбирларда мамлакат ҳаётига дахлдор айрим масалаларнинг ечимига доир аниқ таклифлар бўлиши табиий. Билдирилган таклифларни ўрганиб чиқиш депутатнинг давлат ишларига, ўз сайловчилари ҳаётига дахлдорлик масъулиятини янада ошириш учун хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда барча саъй-ҳаракатлар халқ осойишталигини, инсон ҳуқуқларини таъминлашга, юртимиздаги тинчликни кўз қорачиғидек асрашга, эл-юрт фаровонлигига эришишга қаратилган. Бу мақсад йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз. Зеро, инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устундир.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Saboq

Бу ҳаётда ҳар бир ишнинг ўз тартиб-қоидаси бўлгани сингари, аҳолининг газдан, иссиқлик ва электр энергиясидан фойдаланиши ҳам қатъий қоидалар билан тартибга солинади. Чунончи, амалдаги қонунларимизда электр, иссиқлик энергияси ёки газдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, электр ва иссиқлик энергияси ҳамда газдан ўзбошимчалик билан, яъни электр ва иссиқлик энергияси ва газ билан таъминловчи ташкилотларнинг рухсатисиз фойдаланиш тақиқланади.

Қимматга тушган ўзбошимчалик

Истеъмолчи тураржойларда, шахсий мулк ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган уй-жой, иссиқхона ва бошқа жойларда янги электр симини улаш, газ қувурини тортиш учун таъминловчи ташкилотдан рухсат олиши шарт.



Таассуфки, ҳаётда шахсий манфатини кўзлаб, ушбу қоидаларга риоя этмайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Бундай кимсалар газ, электр ва иссиқлик энергияси қанча кишининг меҳнати эвазига ишлаб чиқарилаётгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Учтепа туманининг А.Зоидов кўчасида яшовчи Ботир Тошбековни (исм-шарифлар ўзгартирилди) ҳам шундайлар қаторига қўшиш мумкин. Унинг уйи текширилганда Б.Тошбеков тегишли рухсатномасиз, ноқонуний равишда газдан фойдаланиб келаётгани аниқланди.

Суд ушбу ишга тааллуқли далилларни батафсил ўрганиб чиқди, Б.Тошбековнинг оилавий шароитини, қилмишидан пушаймонлигини ҳамда «Тошкентшаҳаргаз» филиалига етказилган зарар қоплангани инобатга олган ҳолда қарор чиқарди. Унга кўра, Б.Тошбеков Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддаси билан айбдор деб топилди.

Дарҳақиқат, айбини тан олган, қилмишидан пушаймон кишига таъна қилинмайди, аксинча, унинг тўғри йўлга тушиб олиши, хатоларини такрорламаслиги учун кўмак берилади. Бироқ ҳаётда қўл урган ноқонуний қилмишидан тўғри хулоса чиқармай яна ноқонуний қилмиши содир этишдан тап тортмайдиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Масалан, Учтепа тумани З.Розий кўчаси, 10-уй текширилганда хонадон эгаси Ю.Хўжаниёзованинг газдан ноқонуний фойдаланиб келаётганлиги аниқланди. Шундан сўнг у чақирилганига қарамай суд мажлисига келмади. Суд Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддаси 2-қисмига биноан, яъни «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин» деган талабга риоя этиб, ишни айбдорнинг иштирокисиз кўриб чиқишга қарор қилди.

Суд Ю.Хўжаниёзованинг дастлабки суриштирув даврида берган кўрсатмаларини, шунингдек, бошқа далилларни ўрганиб чиқиб, уни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган, деб топди ва унга нисбатан жарима жазоси белгилади.

Мирғани МИРЗОХИДОВ,
жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг раиси
Отабек САФАРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Burch va mas`uliyat

Кредит шартномаси

уни бажармаслик жавобгарликка сабаб бўлади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ҳаётда бу каби мажбуриятларни тўлиқ бажарилмаётган ҳоллар ҳам учраб турибди. Бунда асосан олинган кредит пул маблағлари ва банк фоизлари ўз вақтида қайтарилмаганида, шартнома шартлари жиддий равишда бузилгани ёки вазият жиддий ўзгарганида, шунингдек, қонун ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолатларда судлар томонидан шартнома ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Ўтган йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан кредит шартномалари ва уни амалга ошириш билан боғлиқ жами 14 та иш кўриб чиқилди. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судига даъвогар — Савдо-саноат палатаси, Миллий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими жавобгар — С.Утемуратов билан тузилган кредит шартномасини бекор қилиш ҳамда 40.687.502 сўм асосий кредит қарз, 3.567.575 сўм банк фоизини ундириш ҳақидаги даъво талаби билан мурожаат қилган. Мазкур даъво талабларини ўрганиш жараёнида, жавобгар томонидан кредит қарзлари ўз вақтида қайтарилмагани аниқланди ва суднинг ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилди.

Бундан ташқари Савдо-саноат палатаси фуқаролик ишлари бўйича Қўнғирот туманлараро судига йўллаган даъво аризасида, жавобгар томонидан 730 минг сўм асосий қарз ҳамда 120 минг сўм миқдорида устама фоизини ундириб бериш ҳамда кредит шартномасини бекор қилишни сўраган. Мазкур даъво талаби йўлланишига жавобгар А.Кудярова ва 12-сонли Овул фуқаролар йиғини шартнома шартларини доимий равишда бузиб келганлиги, кредит ва фоизларни қайтариш муддатига амал қилмаганлиги сабаб бўлди. Суднинг ҳал қилув қарори билан ушбу даъво талаби ҳам тўлиқ қаноатлантирилди.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, шартнома шунчаки қоғозбозлик эмас. У тарафларнинг ўзаро келишуви ва розилиги асосида қонуний тузилдими, демак, албатта, бажарилиши шарт. Шундай экан, ҳар ким, ҳар жабҳада ўз ишига масъулият билан ёндашиши мақсадга мувофиқдир.

Зулфия БОБОЖОНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг судьяси.
Акмал ТОЖИМУРОД ўғли,
«Куч — адолатда» мухбири

Bag`rikenglik tamoyillari

Эзгуликнинг

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Энг асосийси, **«Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»**ги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

«Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун билан бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди.

Айтиш керакки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан аниқ бир тартибга келтирди. Ушбу қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янада такомиллаштирилди. Аниқроқ айтганда, вояга етмаганларнинг меҳнати ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгиланди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 17 майида **«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонуннинг қабул қилиниши билан ушбу кодекс 188[2]-моддаси билан тўлдирилди. Яъни **вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда отаси ёки онаси ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз ресторанлар, кафелар, барлар, дискотекалар, кинотеатрлар ва бошқа кўнгил очар (дам олиш) жойларида бўлишлиги муассасалар раҳбарлари ёки бошқа масъул шахсларнинг кузатувисиз қатнашишига йўл қўйилиши энг кам иш ҳақининг ўн баравридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади**.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунга ушбу қўшимчанинг киритилиши озод ва обод юртимизда вояга етмаган шахслар келажагига қайғуриш, тарбиясига муносабатнинг доимий эътиборда эканлигини яна бир карра исботлади.

Бу дунёда ҳамманинг тақдири бир хил кечавермайди. Оилавий муҳит, гоҳида вояга етмаган шахснинг ҳулқидаги салбий ўзгаришлар... Хуллас, кимдир билиб, кимдир билмай, бошқа биров оқибатини тушунмай жиноят содир этади.

Вояга етмаган шахс қўл урган қилмишидан кейин қанчалик пушаймон бўлса-да, энди кеч. Ғишт қолипдан кўчган. Қилмиш учун эса жазо муқаррар.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, Жиноят кодексининг олтинчи бўлимида **«Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари»** аниқ-тиниқ келтирилган. Ушбу кодекснинг 85-моддасида белгиланганидек, **«Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинламайди».**

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тарбия колонияларида ўташ белгиланиши ҳам ўспиринларнинг келажакда тўғри йўлга тушиб олишига яратилган имкониятдир.

Вояга етмаганларга нисбатан одилликнинг яна бир белгиси бу — вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари тайинлаганда судланувчига нисбатан шартли жазо белгилаш мумкинлиги қонунчиликка қоида тариқасида киритилганидир.

Huquqiy ma`rifat

Биринчи инстанция судининг ажрими

ўзига хос хусусиятлари, турлари ва шакллари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Якунловчи ажримларга ишни ҳал қилув қарори чиқармасдан якунлашга қаратилган ажримлар, масалан, келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримларни киритиш мумкин.

Тўлдирувчи ажримлар эса, суд томонидан йўл қўйилган ва очиқ кўриниб турган процессуал хатоликларни бартараф этишга қаратилган ажримлардир. Чунончи, суд ҳал қилув қарорининг ёзувидаги ва очиқ кўриниб турган арифметик хатоларни бартараф этиб, ҳал қилув қарорига тузатиш киритиш тўғрисидаги, ҳал қилув қарорини тушунтириш масаласи юзасидан суднинг чиқарган ажрими шулар жумласидандир.

Фуқаролик процессуал кодексига асосланиб (237-238-моддалари), биринчи инстанция судининг ажримларини, ўрнига қараб, икки турга ажратиш мумкин:

суд томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқариладиган ажримлар;

суд томонидан мураккаб бўлмаган масалалар ҳал этилганида ўз жойида чиқариладиган ажримлар.

Мазкур ажримларнинг турлари бир-биридан мазмуни, шакли, қабул қилиш тартиби ва шикоят қилиш усуллари билан фарқланади. Масалан, суд томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқариладиган ажримлар алоҳида процессуал ҳужжат шаклида чиқарилади. Суд томонидан мураккаб бўлмаган ва ҳар томонлама муҳокама қилишни талаб этилмайдиган масалалар юзасидан ўз жойида чиқариладиган ажримлар эса суд мажлисининг баённомасида қайд қилинади. Масалан, суд мажлисини бошқа кунга қолдириш, далилларни текшириш тартиби, қўшимча далиллар талаб қилиб олиш ва бошқа масалалар тўғрисидаги ажримлар суд томонидан ишнинг аҳволига қараб ё юқорида кўрсатилган тартибда ёки алоҳида хона (маслаҳатхона)га кирмасдан мажлиснинг ўзидаёқ кенгашиб, айрим ҳужжат сифатида эмас, балки суд мажлисининг баённомасида қайд этиш йўли билан чиқарилади.

Бироқ иш юритишни тўхтатиш, аризани кўрмасдан қолдириш, келишув битимини тасдиқлаш ва иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажримлар алоҳида процессуал ҳужжат сифатида чиқарилиши лозим. Чунки ушбу ажримлар орқали мураккаб масалалар ҳал қилинади ва улар устидан шикоят қилиниши мумкин.

Суд томонидан ўз жойида чиқариладиган ажримда, юқоридаги ажримлардан фарқли равишда, кириш қисми ва шикоят қилиш тартиби ҳамда муддати кўрсатилмайди (ФПКнинг 238-моддаси).

Суд ажримлари **шикоят қилинадиган (протест келтириладиган)** ва **шикоят қилинмайдиган (протест келтирилмайдиган)** ажримларга ҳам ажратилади. Қонун бўйича қатъий ва шикоят қилиб бўлмайдиган (протест келтирилмайдиган) ажримлар чиқарилиши биланоқ қонуний кучга киради. Масалан, суднинг низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларни процессга жалб этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилинмайди ва улар чиқарилиши билан дарҳол ижро этилади. Шунингдек, ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар алиментлар ундириш тўғрисидаги суднинг ажрими ҳам дарров ижро этилади (ФПКнинг 263-моддаси).

Фуқаролик процессуал кодексининг 346-моддасига кўра, биринчи инстанция судининг ажримлари устидан ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда ҳамда суднинг ажрими ишнинг илгарилашига тўсқинлик қиладиган ҳолларда, суд томонидан ажрим топширилган кундан эътиборан ўн кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар апелляция инстанцияси судига суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят бериши, прокурор эса, протест келтириши мумкин. Шикоят қилинадиган (протест келтириладиган) ажримлар шикоят қилиш (протест келтириш) учун белгиланган муддат ўтгандан кейин ёки шикоят (протест) юқори суд томонидан рад қилингач, қонуний кучга киради. Бошқа ажримлар эса, иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарори билан бирга қонуний кучга киради.

Маълумки, Фуқаролик процессуал кодексининг 4-моддаси иккинчи қисмида фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиши лозимлиги назарда тутилган. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ушбу вазифалари, аввало, иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарорлари, қарор ва ажримлар чиқариш орқали амалга оширилса-да, лекин процессуал қонунчилик фуқаролик ишлари бўйича қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида қўшимча процессуал чораларни белгилайди. Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича хусусий ажрим шулар жумласидандир.

Хусусий ажримлар суднинг бошқа ажримларидан ўзининг мақсади билан алоҳида ажралиб туради. Суд фуқаролик ишини кўраётганида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлигини аниқласа, Фуқаролик процессуал кодексининг 19-моддасига кўра, хусусий ажрим (қарор) чиқариб, уни тегишли идора ва мансабдор шахсларга юборади. Ушбу шахслар хусусий ажрим (қарор)нинг нусхасини олган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида ўзлари кўрган чоралар тўғрисида судга хабар қилишлари лозим.

Айтиш жоизки, хусусий ажримлар суднинг бошқа ажримлари каби расмийлаштирилса-да, лекин ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Хусусий ажримларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — у қонунчиликнинг бузилиши ва низоларнинг юзага келишининг олдини олиш мақсадида чиқарилиб, суд идораларининг фуқаролик ишларини мазмунан кўриб, ҳал қилиш давомида қонунчилик бузилишининг олдини олиш бўйича процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган вазифаларини амалга оширишнинг муҳим процессуал воситаларидан бири сифатида эътироф этилади. Чунки суд идоралари фуқаролик ишлари юзасидан одил судловни амалга ошириш билан бир қаторда иш юзасидан муайян қонунбузилишининг олдини олиш ишларини олиб бориш имкониятига ҳам эга бўлади ва бу имконият хусусий ажрим чиқаришда намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, суд томонидан ҳар қандай иш бўйича хусусий ажрим чиқарилавермайди. Масалан, агар низо ҳуқуқ меъёрларини тушунмаслик оқибатида юзага келган бўлса ёки тегишли шахслар томонидан қонунбузилишининг олди олинган бўлса, у ҳолда суднинг иш бўйича хусусий ажрим чиқариши мақсадга мувофиқ эмас.

Суд хусусий ажримлари фуқаролик низоли ишлар юзага келишининг олдини олишда аҳамиятли бўлганлиги боис, Олий суд Пленумининг 1996 йил 19 майдаги **"Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида"**ги, 1998 йил 17 апрелдаги **"Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида"**ги ҳамда 1998 йил 11 сентябрдаги **"Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"**ги ва бошқа қарорларида иш юзасидан хусусий ажрим чиқаришнинг муҳимлиги алоҳида таъкидланиб, судларга тегишли тушунтиришлар берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биринчи инстанция судининг ажримлари ҳам суднинг ҳал қилув қарорлари каби фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Бу эса судларга иш юзасидан ажримларни қабул қилиш масаласига масъулият ва эътибор билан ёндашиш мажбуриятини юклайди.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
юридик фанлари доктори

Huquq va burch

Истеъмолчи манфаати доимий муҳофазада

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир истеъмолчи пластик карточкадаги маблағини сарфлар экан, доимо эътиборли бўлиши, сотувчи қўлимизга тутқазаётган тўлов қоғозига бефарқ бўлмаслик мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда ҳар томонлама қулай бўлган пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизими тобора такомиллаштирилар экан, истеъмолчилар ундан тўғри ва унумли фойдаланиши даркор. Буни ҳисобга олиб мазкур федерация Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан ҳамкорликда айни мақсадга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жойларда терминалларнинг ўрнатилиши ва узлуксиз ишлатилиши юзасидан мониторинглар олиб борилаётир. Аниқланаётган камчиликларни мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Истеъмолчилар кўпроқ мурожаат қиладиган соҳалар бу савдо ва хизмат кўрсатишдир. Мисол учун учтепалик Ш.Алиеванинг 1 миллион 250 минг сўмга сотиб олган музлатгичи



сал ўтмай ишдан чиққани, Собир Раҳимов туманида истиқомат қилувчи Г.Усмоновнинг 630 минг сўмга сотиб олган уяли телефон аппарати сифатсизлиги тўғрисида мурожаат қилган. Баъзан ҳуқуқларини яхши билмайдиган содда кишилар бундай пайтда нима қилишини билмай "куйиб" қолади. Аммо юқоридаги ҳолатларда истеъмолчиларнинг ўз вақтида тегишли ташкилотларга мурожаатларидан сўнг музлатгич янгисига алмаштирилди, телефон аппаратининг пули мижозга қайтарилди.

Истеъмолчи Р.Новикова Чилонзор тумани 20-мавзе, 31-уйнинг 1-хонадонда жойлашган Стоматология клиникасида тишларини даволатди. Анча вақт ва маблағ



сарфлаганига қарамай, тишларидаги муаммолар камаймади. Ўзига малакасиз хизмат кўрсатилганини англаган истеъмолчи ҳуқуқи ҳимоя қилиниши сўраб Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасига мурожаат қилди. Ариза юзасидан ўтказилган ўрганиш давомида истеъмолчининг талаби ҳақли экани ўз исботини топди ва клиника унга сарфлаган маблағини қайтариб берди.

Шайхонтоҳур туманида яшовчи Ш.Йўлдошеванинг хонадонига қувурларнинг носозлиги туфайли сув тошиб кетган ва мол-мулкига жиддий зарар етган. Бу ҳолатда ҳам ҳудудий бирлашма аралашуви билан уйжой мулкдорлари ширкати томонидан қувурлар янгисига алмаштирилди ва истеъмолчига етказилган 220,5 минг сўм тўлаб берилди.

Буларнинг барчаси аҳолининг истеъмол маданияти тобора юксалаётгани самараси. Бунда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилотларнинг аҳоли ўртасида кенг қамровли тадбирлар ўтказаётгани, оммавий ахборот воситалари орқали қонунчиликнинг кенг тарғиб этилаётгани алоҳида аҳамият касб этаётир. Ўтган даврда федерация томонидан олти мингга яқин шундай семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилган.

Тизимда қонунлар тарғиботи билан бир қаторда уларнинг ижроси юзасидан доимий мониторинг ўтказилмоқда. Федерациянинг ҳудудий бирлашмалари ҳамда бир қатор туман жамиятлари ҳузурида ташкил этилган "Маслаҳат маркази" фаолияти ҳам айни шу мақсадга қаратилган.

Истеъмолчилар манфаатини муҳофазалашга қаратилган қонунлар ижросини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан ҳамкорликда ўрганиш ишлари ҳам ўз самарасини бермоқда. Чунки шу йўл билан аниқланаётган айрим камчиликлар бартараф этилмоқда. **"Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"**ги қонунининг Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ижро этилиши назорат-таҳлил тартибида ўрганилганда Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани "Тўйтепанон" ишлаб чиқариш корхонасида муддати ўтган ош тузидан фойдаланаётганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича тегишли қарор қабул қилиниб, жойлардаги масъул идораларга юборилди.

Хулоса қилиб айтганда, истеъмолчи ҳуқуқ ва манфаатини муҳофазалашга қаратилаётган бу каби чора-тадбирлар халқимиз фаровонлиги ва юртимиз тараққиётига хизмат қилаётир.

Норгул АБДУРАИМОВА

Faqarolik qonunchiligi

Меҳнат низолари

суд амалиётида бу тоифадаги ишлар қандай ҳал этилади?

Аввало шуни айтиш керакки, Конституциямизнинг 37-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Шунингдек, барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Меҳнат соҳасида ўзини камситилган, деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин. Чунки ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонун билан кафолатланади.

Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ низоларни

кўриш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, иш берувчи томонидан қонун талаблари бузилиши суд томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқни бекор қилишга асос бўлмоқда.

Масалан, даъвогар И.Камолов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Хатирчи тумани, 27-сонли ўрта мактаб директорлиги вазифасига ишга тиклашни, мажбурий прогул юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириб беришни сўраган. Суднинг 2010 йил 6 майдаги ҳал қилув қарори билан унинг даъвоси қаноатлантирилиб, у ўз лавозимига ишга тикланган.

Иш берувчининг И.Камолов билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруғининг ғайриқонуний деб топилиши ва унинг ишга тикланишига иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилигининг қатор талаблари бузилиши сабаб бўлган. Жумладан, Хатирчи тумани халқ таълими бўлими мудирининг 2010 йил 8 апрелдаги буйруғига асосан даъвогар И.Камолов ўз аризасига асосан 2010 йилнинг 5 апрелидан эътиборан мактаб директорлик вазифасидан озод этилиб, мутахассислиги бўйича ўқитувчи вазифасида қолдирилган. 27-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари Т.Сатторов 2010 йилнинг 8 апрелидан эътиборан директор вазифасига 3 ой синов муддати билан тайинланган.

Бу буйруқларда меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос сифатида даъвогар И.Камоловнинг ариза ва вилоят халқ таълими бошқармасининг розилик хати қайд этилган.

Меҳнат кодексининг 99-моддасида кўрсатилишича, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир.

(Давоми тўртинчи бетда)

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, товарларни бошқа давлатга олиб чиқаётган пайтда декларациялаш қоидалари бузилса, қандай жавобгарлик қўлланилади?

Ж.УМАРОВ,
Иштихон тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 227^{10}-моддасига мувофиқ, товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш тартибини бузиш, яъни декларациялаш шакли, жойи ва уни амалга ошириш таомили ҳақидаги белгиланган талабларга риоя этмаслик — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Божхона органига товарлар ва транспорт воситалари учун божхона декларациясини, шунингдек, ҳужжатлар ва қўшимча маълумотларни белгиланган муддатларда тақдим этмаслик, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

— Айтинг-чи, касб-ҳунар коллежи ходимларига қандай ҳолларда моддий ёрдам берилади?

Ғ.БУТАЕВ,
Ғурлан тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасининг Директор жамғармаси тўғрисида»ги Низомнинг 20-бандига мувофиқ, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларига моддий ёрдам уларнинг мурожаатига кўра ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассаси касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси бўйича фавқулодда ҳолатларда кўрсатилади (яқин қариндоши вафот этганда, оғир жароҳат олинганда, оғир касалликка чалинганда, табиий офатдан зарар кўрилганда ва ҳоказоларда).

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Jinoyat va jazo

Бу дунёда одам кўнглининг хотиржамлигига ҳеч нарсани тенглаштириб бўлмайди. Ўзинг севган касбни ардоқлаб, меҳр билан ишлаш, оилада тинч умргузаронлик қилиш ҳар бир инсоннинг энг катта бахти. Бундай хотиржамлик, эмин-эркинлик албатта, юртнинг тинчлиги, элнинг осойишта турмуш кечираётгани билан боғлиқ.

Тунги шарпалар

Суд очерки

Аҳмад Нарзиев (жабрланувчилар исм-шарифи ўзгартирилди)нинг ҳам мол-ҳолидан кўнгли тўқ эди. Шу сабабли у қўй-қўзиси, қорамолларини сурув қилиб «Қора қарға» даштига ҳайдаб юборган, аҳён-аҳёнда улардан хабар олиб турарди.

Қўшни қишлоқда яшовчи Сайфулла Саъдуллаев ҳам ўзига тегишли фермер хўжалиги ер майдонининг бир четига қорамолларини боғлаб қўйганди.

(Давоми тўртинчи бетда)

ойдин йўли

Вояга етмаган шахснинг келгусида хавфли қилмишдан тийилиши, қайта жиноят содир этмаслигининг олдини олиш амалларидан бири — содир қилган қилмиши учун суд ҳукми билан жарима жазоси қўллашдир. Негаки, биринчи маротаба жиноят содир этиб, қилмишидан тавба қилган, жарима жазосига тортилган вояга етмаган шахс ноқонуний хатти-ҳаракатининг оқибати жазосиз қолмаслигига амин бўлади.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, судланувчи вояга етмаган Н.Жулбеков ярим тунда фуқаро А.Саитовнинг тўрт бош — 400 минг сўмлик қўйларини яширин равишда ўғирлаб чиқади. Дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга ўғирланган қўйларни 350 минг сўмга сотиб юборади. Н.Жулбеков жиноий қилмишини яна давом эттириб, у бу гал вояга етмаган С.Умаровни ўзига шерик қилиб олади. З.Бобоёровнинг бошқарувдаги «Москвич» русумли автомашинада бобоси Ф.Жулибековнинг қўрасидан 920 минг сўмлик қўй-қўзини ўғирлаб чиқади. Уларни мол бозорида номаълум шахсларга сотиб юборишади.

Кейинги сафар Н.Жулбеков ҳайдовчи О.Сулаймоновнинг бошқарувидаги машинадан фойдаланган. Бу гал вояга етмаган А.Эгамназаров, Ж.Ёрбековни ёнига олиб, яна бобоси Ф.Жулбековнинг қўрасига киради. Улар 820 минг сўмлик мол-мулкни яширин равишда ўғирлаб чиқишади.

Суд вояга етмаган судланувчилар Н.Жулбеков, С.Умаров, А.Эгамназаров, Ж.Ёрбековларга нисбатан жазо тайинлашда жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганликларини айбни оғирлаштирувчи, бироқ айбларига тўлиқ иқрорликларини, қилмишларидан пушаймонда эканликларини, етказилган зарарлар қопланганлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини, муқаддам судланмаганликларини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблади. Бу ҳолатлар ўз навбатида қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар эканлигини эътиборга олди. Шунга кўра, суд ҳукмида жарима миқдорини Жиноят кодексининг 82-моддасида кўрсатилган тартибга мувофиқ белгилашни лозим топган.

Суд вояга етмаган судланувчи Н.Жулбековга энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма баравари, С. Умаров, А.Эгамназаров, Ж.Ёрбековнинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан миқдорда жарима жазоси тайинлади.

Вояга етмаган судланувчилар шахсини ўрганган киши Н.Жулбековни меҳнатга лаёқатли бўлатуриб, бирон-бир жойда ишлашга бўйни ёр бермаганига ачинади, албатта. С.Умаров, А.Эгамназаров, Ж.Ёрбеков эса турли коллежларда таҳсил олишади. Уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш, тўғри йўлга тушиб олишига имконият яратиш инсонийликдандир. Ахир, азал-азалдан ота-боболаримиз болаларга фақат яхшиликни раво кўриб яшашган. Уларнинг қилган хатоларини кечиришган. Эндиликда бу хайрли амаллар қонунларимизда ва амалда ўз ифодасини топмоқда.

Неъматулла БОБОЖОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Кўп билсангу, аммо шу билганингни ўз эҳтиёжинг йўлида ишлата олмасанг, бундан нима фойда?!

* * *

Билим инсоннинг ижодий мақсадларига хизмат этмоғи зарур. Билим тўплаш кифоя эмас; уларни мумкин қадар кенг ёймоқ ва ҳаётга татбиқ этмоқ лозим.

* * *

Одамийлик – фақат билимдонликда эмас, балки аввалги аждодлар бизлар учун қилганлари каби келажак авлодлар учун нима қолдира билишимиздадир.

* * *

Ақлли жавоб олмоқчи бўлсанг — ақлли савол бер.

Iftixor

ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур ишчи гуруҳидан олинган маълумотга кўра, юртдошларимиз ободонлаштириш ва тозалик ойлигида фаол иштирок этмоқда. Тадбирнинг дастлабки ҳафтасида тўққиз юз минг нафардан зиёд аҳоли бундай ишларга жалб этилди.

Турар жой мавзелари, маҳаллалар, қишлоқларда дарахтларни оқлаш ва буташ, кўча ва йўлакларни тартибга келтириш, қурилиш ва маиший чиқиндиларни тўплаш ва ташиш ишлари бажарилмоқда. Кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар ариқ-зовурлар тозаланмоқда.

Шу кунларда юртимизда ўтказилаётган "Маҳалла куни" ҳафталиги аҳолининг бундай тадбирларда ҳамжиҳатлик ва бирдамлигини янада кучайтириш, маданий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Маҳаллаларимизда ободонлаштириш ишларига ҳамоҳанг тарзда бўлиб ўтаётган "Футболимиз келажаги", "Маҳалламиз паҳлавонлари", "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам", "Маҳаллам тарихини ўрганаман" каби кўрик-танловлар халқимизнинг юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида фаоллигини янада ошириш, истиқлолимизнинг тарихий аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёшларимизнинг иқтидори ва салоҳиятини юксалтиришга муносиб улуш қўшиш сингари эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Бундай маънавий-маърифий ва ободонлаштириш ҳамда тозалик ишлари Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрамига бағишланган тадбирларга уланиб кетмоқда.

Бу йилги байрам Президентимиз ташаббуси билан **"Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон"** шиори остида нишонланаётгани ўзига хос мазмун-моҳиятга эга. Зеро, инсон ва унинг шаъни, қадр-қимматини эъзозлаш истиқлолнинг дастлабки йилларидан жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадига айланди. Бу эзгу анъанани изчил ҳаётга татбиқ этиш маҳаллаларимиз фаолиятининг ҳам устувор йўналишини ташкил этади.

Шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида "Маҳалла" хайрия жамғармаси томонидан ушбу йўналишдаги мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, инсон манфаатларини муҳофазалаш, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш тадбирларига ҳомийлар кўмагида 3 миллиард 700 минг сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Бир минг олти юздан зиёд кам таъминланган, эҳтиёжманд ёш оилаларга бир бошдан қорамол ажратилди. Икки мингга яқин кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ ва суннат тўйларини ҳамда бошқа тадбирларини ўтказишда кўмаклашилди.

"Баркамол авлод йили" давлат дастурида ушбу йўналишда белгиланган вазифаларни ижро этиш ва улғайиб келаётган ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришда кўмаклашиш мақсадида жисмоний имконияти чекланган ўттиз нафардан кўпроқ талаба ва ўқувчиларга компьютер тақдим этилди, икки юз нафардан кўпроқ талабага "ZiyoNet" тармоғига уланишда амалий ёрдам кўрсатилди. Бу ёшларимизнинг таълим олиш имкониятини янада кенгайтиради. Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишлаб ташкил этилаётган байрам тадбирларида бундай хайрия ишлари кўлами янада кенгаймоқда.

Айни пайтда маҳаллаларимизда байрамни юқори савияда нишонлашга йўналтирилган махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, шу асосда иш олиб борилаётир. Байрам дастурларида халқимизнинг боқий урф-одат ва анъаналарини, бетакрор мусиқий санъатимизнинг ўзига хос хусусиятларини, мустақиллик туфайли эришилаётган иқтисодий — ижтимоий ютуқлар, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрини кенг намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда ташкил этилаётган бундай тадбирларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг маҳсулотлари, усташогирд анъаналари ва касаначилар фаолиятига оид кўргазмаларга алоҳида ўрин ажратилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги "Янгиобод" маҳалла гузарида бўлиб ўтди. Унда давлат, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ёшлар ва санъаткорлар иштирок этди. Миллий либослар кўргазмаси ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури тадбирга янада файз киритди. Байрам дастурхони атрофига уч юз нафардан кўпроқ нуронийлар, кам таъминланган оилалар аъзолари таклиф этилди.

— Маҳалламизда ўндан зиёд миллат ва элатлар ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликда, тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда, — дейди Тошкент шаҳридаги "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х. Тожиаҳмедов. — Уларнинг барчаси ҳудудимизда ўтадиган турли маданий-маърифий тадбирлар, маросимларда фаол иштирок этади. Шу кунларда юртимиз бўйлаб давом этаётган ободонлаштириш ва тозалик ойлигида ҳам халқимизнинг баҳамжиҳатлиги яққол намоён бўлмоқда. Аҳоли ҳар куни эрта саҳардан кўчалар, гузарлар, ҳовлилар, йўллар, ариқ-зовурларни тозалаб, чиқиндиларни белгиланган жойларга чиқариб ташлайди. Маҳалламиздаги болалар спорт майдончаси тартибга келтирилди. Бундай тадбирларда айниқса, ёшларимиз фаоллик кўрсатаётгани қувонарли. 14-15 август кунлари бўлиб ўтадиган умумхалқ хайрия ҳашарини ҳам ўзаро жипсликда ташкил этиш учун мунтазам тарғибот-ташвиқот юритмоқдамиз.

Айни пайтда юртимиздаги барча маҳаллалар, қишлоқлар ва хонадонларда ана шундай ободонлаштириш ва тозалик ишлари авжида. Тўйга тўёна сифатида бир қатор янги иншоотлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилаётир. Шу тахлит кундан-кунга чирой очаётган, ҳар гўшасида ҳаёт қайнаётган, фаровон келажак сари дадил қадамлар билан одимлаётган обод ва файзли юртга эса байрам ва шодиёналар ярашади.

Баҳор ХИДИРОВА,
журналист

Инсон ақл-тафаккурининг юксак маҳсули бўлган шахмат ўйини бундан бир неча минг йил илгари яратилган бўлса-да, унга нисбатан бўлган қизиқиш бир дақиқа ҳам сўнгани йўқ. Агар олис тарихга назар ташлайдиган бўлсак, энг буюк шахслар ҳам айнан шахмат ўйинини юксак қадрлаганига гувоҳ бўламиз.

Бундан ташқари шахмат ўйини усталари саналган шахслар ҳаётида кўплаб бир-биридан ғаройиб воқеа-ҳодисалар рўй берганки, бу борабора одамлар ўртасида афсоналарга айланиб кетган.

Қуйида ана шундай воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Шахмат ҳангомалари

ЧЕМПИОННИ ЮТДИ

Шахмат бўйича биринчи жаҳон чемпиони Стейниц Англияда яшаганида камхаржликдан қийналиб, «Гамбит» қаҳвахонасида шахмат ўйнаб тирикчилик қиларди. Кунлардан бир куни у ҳар бир ютқазилган партия учун бир фунт стерлинг тўлайдиган сахий рақибни топиб олади. Стейниц унга олдиндан отни текинга берар ва ҳар гал ғалаба қозонарди.

Чемпионнинг дўстларидан бири унга агар ҳар гал ютаверса, бунақа фойдали рақибдан ажраб қолиши мумкинлигини, шу боис гоҳо ютқазиб ҳам туриш зиён қилмаслигини маслаҳат беради. Бу маслаҳат Стейницга жўяли туюлади ва навбатдаги ўйинлардан бирида жўрттага фарзинни текинга бериб, ўз мағлубиятини тан олади. Кейин яна ўйнаш учун сипоҳларни тера бошлайди. Аммо шу лаҳза омади чопган рақиби жойидан сакраб туриб, қувончини ичига сиғдиролмай хитоб қилади:

— Мен чемпионни ютдим! Ниятимга етдим!

У шундай дея кўчага югуриб чиқади ва «Гамбит» қаҳвахонасини бир умрга тарк этади.

ФАРЗИНСИЗ ЎЙИН

Жаҳон чемпиони Ласкер поездда кетаётганида купедаги шахмат ишқибози бўлган қўшниси икки партия дона суришни таклиф қилади. Чемпион дам олмоқчи эди, шу боис шахматни яхши ўйнай олмаслигини айтади. Аммо қўшниси қистаб қўймайди, олийжаноблик қилиб фарзинни олиб қўйиб ўйнайди.

Ласкер ундан тезроқ қутулиш учун тезгина таслим бўлади. Аммо қўшнисининг кўнгли жойига тушмай, яна сипоҳларни тера бошлайди. Шунда Ласкер бу хира пашшани бир бопламоқчи бўлади.

— Мен ҳаммасини тушундим, — дейди у. — Фарзин фақат ҳалақит бераркан, мен ҳам фарзинсиз ўйнайман.

Қўшниси мазах қилиб узоқ кулади, аммо кейинги партияни ютқазгач, ҳангу манг бўлиб қолади. Энди унинг фарзинсиз ўйнаш гали келади, Ласкер яна таслим бўлади. Фарзин билан ўйнаган рақиби нималар бўлаётганини англай олмай, яна тезда мот бўлади. Ахийри, ҳаваскор шахматчи гарангсиб, тамомила ўзини йўқотиб қўяди, иш шу билан тугайдики, навбатдаги бекатда ҳамширалар уни замбилга солиб олиб кетишади.

ИСМИ УЗУН БЎЛСА...

Турниردаги ўйиндан бўш кунлардан бирида кубалик жаҳон чемпиони Капабланка меҳмонхонага қоқ ярим тунда қайтади.

— Ким у? — деб сўрайди эшик оғаси уйқусираб.

— Хосе Рауль Капабланка-и — Грауспера. — Ишончлироқ чиқиши учун чемпион исмини тўлиқ айтади.

— Яхши, киринг, — дейди эшикоға тўнғиллаб, — фақат охирги шеригингиз эшикни маҳкамроқ ёпиб қўйсин.

ЎЗИГА ХОС ЎЙИН

Капабланка сеанс бераётган эди, рақибларидан бири тезгина мот бўлиб, ўз ўйини ҳақида чемпионнинг фикрини сўрайди.

— Ўйинингиз анча ўзига хос, дадил, — дейди Капабланка одоб билан, — фақат нима учун сиз отларни ўйинга олиб чиқмадингиз?

— Гап шундаки, мени куни кечагина шахмат ўйнашга ўргатишуди, — дейди ҳаваскор чемпионга, — аммо отни қандай юришни ўргатиш эсларидан чиқиб қолибди...

ТАНИМАСНИ... СИЙЛАЙДИ

Биринчи рус жаҳон чемпиони Александр Алёхин қаҳвахонада ҳаваскор шахматчиларнинг ўйинини кузатиб ўтирарди. Ишқибозлардан бири унга бир партия ўйнашни таклиф қилади. Чемпион рақибига тўрасини олдиндан бериб қўйиб ўйнаш шарти билан рози бўлади.

— Бу қанақаси ахир? — дейди ҳаваскор норози бўлиб, сипоҳларни тахтага тераркан. — Сиз ахир, мени мутлақо билмайсиз-ку!

— Худди шунинг учун ҳам мурувват қиляпман! — дейди чемпион кулимсираб.

ХАВФЛИ УЧИШ

Жаҳон чемпиони унвонини қисқа бир муддат Алёхиндан тортиб олишга муяссар бўлган Макс Эйве ёшлигида қизиқиш доираси кенг спортчи эди. У ҳаваскорлар рингида бокс тушган, сузиш мусобақаларида қатнашган ва ҳатто спорт самолётини бошқариш ҳуқуқини берадиган дипломни ҳам қўлга киритган.

Кунлардан бир куни Голландиядаги чемпионатлардан бирида навбатдаги турга кечикаётиб машинаси тезлигини анча ошириб юборади. Йўл ҳаракати қоидасини бузгани учун полициячи уни тўхтатади.

— Чамаси, бугун мен анча тез юряпман шекилли,— дейди у хижолатомуз жилмайиб.

— Аниқроқ айтганда, бугун сиз анча паст учяпсиз,— дейди бўлажак чемпионни таниган тартиб посбони.

(Давоми келгуси сонда)

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат низолари

суд амалиётида бу тоифадаги ишлар қандай ҳал этилади?

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин. Шунингдек, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ёки тарафлар келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризасини қайтариб олишга ҳақли. Агар огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади. Бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди. Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқлиги (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганлиги ва бошқа ҳоллар) билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

Даъвогар И.Камоловнинг тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 2010 йил 1 апрель куни ёзилган аризасида меҳнат шартномасини аниқ бир кундан бошлаб бекор қилиш сўралмаган бўлиб, Хатирчи тумани халқ таълими бўлими маъмурияти уни икки ҳафталик огоҳлантириш муддати ўтганидан сўнг ишдан бўшатиши лозим бўлса-да, меҳнат шартномаси ариза берилгандан сўнг 4 кун ўтгач, бекор қилинган.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги **«Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида»**ги қарорининг 15-бандида меҳнат шартномасини бекор қилишга ходим шу корхонадаги ишни ҳақиқатда ташлаб кетиш истагини билдирган ёзма аризасига биноан йўл қўйилади, дея қайд этилган. Судлар даъвогарнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови натижасида ёзганлиги тўғрисидаги важларини синчковлик билан текшириши лозим. Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббусига кўра, икки ҳафталик огоҳлантириш муддати тугагунга қадар ҳам, иш берувчи билан ходимнинг келишувига кўра, бекор қилиниши мумкин. Қонунда белгиланган ёки тарафлар келишувига кўра, қисқартирилган огоҳлантириш муддати ўтмасдан ходимнинг розилигисиз меҳнат муносабатларини бекор қилиш ушбу меҳнат шартномасини тугатишни ғайриқонуний деб топишга ва ходимнинг аввалги ишига тиклаш ҳақидаги талабини қаноатлантиришга асос бўлади.

Бундай қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш, мазкур низоларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик учун раҳбар ва ходимларни меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга меҳнат низоларини ҳал қилиш борасида мурожаат қилиш усули ва тартибини тушунтириш, келгусида бундай қонунбузилишларига йўл қўймаслик ҳамда қонун талабларининг тўғри бажарилишини таъминлаш, ходимлар вакиллик органларининг янада масъулиятини ошириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

Шерали ТОШЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг раиси

Maslahat

Моддий жавобгарлик нима?

Меҳнат кодексининг 202-моддасида ходимнинг тўлиқ моддий жавобгарлиги ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга мувофиқ, етказилган зарар учун қуйидаги ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилади;

1) махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминланмаганлик учун (203-модда);

2) бир галлик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминлаганлик учун;

3) қасддан зарар етказилганда;

4) алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида зарар етказилганда;

5) ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда;

6) тижорат сирлари ошкор этилганда;

7) қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар фақат қасддан етказилган зарар учун, алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ёки жиноят содир этиш натижасида етказилган зарар учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар.

Jinoyat va jazo

Тунги шарпалар

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Кундуз кунлари болалари жониворларга сув, ем-хашак беришарди. Қоронғу тушганда ҳам моллар ҳовлига олиб келинмасди, далада қоларди.

Ахир, атроф тинч, ҳамма ўз иши билан банд, бу ерларда бировнинг мулкига кўз олайтирадиган одамнинг ўзи йўқ. Шундай экан, бошқалар сингари С.Саъдуллаевлар оиласи аъзоларининг ҳам кўнгиллари хотиржам эди.

Бир куни Аҳмад ака ўғли Валижон билан моллардан хабар олиш учун «Қора қарға» даштига борди. Кун кеч бўлиб қолганди. Улар ўша куни даштда тунаб қолишди. Эртаси кун тонгда ўринларидан туриб, қўй-эчкилар ва қора молларни бир жойга тўплаб, саноқдан ўтказишди. Бир бош ҳўкиз билан бир бош сигир йўқ эди. Ота-бола атрофни қидириб чиқишди. Аммо ҳўкиз билан сигири топилмади. Бирон жойдан чиқиб қолар, деган умидда улар изларига қайтишди.

Фермер хўжалиги раҳбари С.Саъдуллаев ҳам уйқуга ётишдан аввал сув қуйилган экинлардан хабар олди. Сўнгра уйга қайта туриб, қора моллари боғланган жойга борди. Тўрт бош жонивор ковш қайтариб ётганди.

Сайфулла тонг-азонда уйқудан туришга, даладан хабар олишга одатланган. Ўша куни ҳам худди шундай бўлди. Юз-қўлини ювиб даладан хабар олди. Икки бош ғўнажини жойида йўқ экан.

Шу куни мол бозори бўладиган кун эди. Сайфулланинг кўнглига шубҳа оралаб ўша ёққа отланди. Бозордаги қорамоллар орасида ғўнажинларни учратмади. Шундан сўнг С.Саъдуллаев ички ишлар идорасига ариза билан мурожаат қилди.

Туманнинг ҳали у, ҳали бу ерида шу тариқа ўғирлик жинояти содир бўла бошлади. Ички ишлар идораси ходимлари томонидан суриштирув, қидирув ишлари олиб борилди.

Бундай пайтда шубҳали, гумон қилиниши мумкин бўлган шахслар ўзларига сездирилмаган ҳолда кузатув остига олинади. Уларнинг ўтмиши, бугунги кундаги юриш-туриши, нималар билан машғуллиги ўрганилади.

«Янгийўл» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи, муқаддам ўғирлик жинояти учун уч марта суднинг қора курсисига ўтирган Ўткир Жўрақуловдан гумон қилишга асослар бор эди. Ҳеч қаерда ёлчитиб ишламайдиган бу кимса текинга ичишни хуш кўрар, меҳнатга бўйни ёр бермасди. Гумон тўғри бўлиб чиқди. Ҳаётда қалтис қилмиши туфайли бир неча марта судлангани Ўткирнинг кўзини очмаган экан. Кўр кўр билан қоронғуда топишади, деганларидек, Ў.Жўрақулов маслакдошни осон топган. Бу қишлоқдоши, муқаддам ўғирлик жинояти учун суд ҳукми билан уч йилга аҳлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилган Ризоқул Жумаев эди.

Ризоқул ижарага олган «Матиз»да киракашлик қиларди. Ҳайдовчи туманнинг барча киришчиқиш йўлларини яхши билади. Энди ўзаро жиноий тил бириктирган ҳамтовоқларга ўғирлик молларни «ўтказиш» учун ишончли шерик керак эди.

Бу ишни ҳам Ризоқул осон уддалади. У «Мирзомўмин» маҳалласида яшовчи Бахтиёр Аллонов ва Пахретдин Номозовлардан фойдаланди, уларни жиноий ишга шерик қилди.

Гап шундаки, Ўткир билан Ризоқул молларни ўғирлаб келиб, тўғри Бахтиёр билан Пахретдиннинг ҳовлисига туширар, улар арзон-гаров сотиб олишарди. Ўз навбатида Б.Аллонов билан П.Номозов қорамолларни жиноий йўл билан топилганлигини билишган ва уларни қассобга сотишган. Шу тариқа ўғирлик моллар изи очилиши бироз чўзилган. Ўзаро жиноий тил бириктирган кимсалар А.Нарзиевнинг 2 миллион сўмлик, С.Саъдуллаевнинг 1 миллион 500 минг сўмлик, Х.Аширматовнинг 700 минг сўмлик, Х.Ҳусановнинг 500 минг сўмлик, Ғ.Ҳайитовнинг 400 минг сўмлик қорамолларини талон-торож қилишади.

Суд хавфли рецидивист Ў.Жўрақулов ва судланувчи Р.Жумаевни Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «а» банди, Б.Аллонов ва П.Номозовни Жиноят кодексининг 171-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбдор деб топди. Ў.Жўрақуловга олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланди. Суд Р.Жумаевга беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм ўқиди. Б.Аллонов ва П.Номозов ҳам қилмишига яраша жазо олишди. Тергов чоғида жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар қопланди. Суд ҳукмида судланувчи Р.Жумаевдан А.Нарзиев фойдасига қопланмаган 1 миллион сўмни ундириш қайд этилди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ҳар қандай мулк жамиятимизда мутлақо дахлсиз. Унга нисбатан қилинган ҳар қандай тажовуз қонунга хилоф. Қонунга зид равишда қилинган қилмиш эса, юқоридаги сингари жазосиз қолмайди.

Абдуваҳоб ХЎЖАМОВ,
жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман судининг раиси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФАЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Алибек ЭРГАШЕВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-718. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 7204.
1 2 3 5 Топширилди: 22[20]